*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 120 (8610). ● 25 июнь, 1985 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## «ПРОГРЕСС—24» ТУТАШТИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1985 йил 23 июнь куни Москва вақти билан соат 6 дан 54 минут ўтганда «Прогресс-24» юк кемаси одам бошқараётган «Салют-7» — «Союз-Т-13» орбитал комплекси билан автоматик тарзда туташтирилди.

Космик аппаратлар бир-бирини қидириб топиши, яқинлашиши, бирикиши ва туташиши борт автоматикаси ёрдамида бажарилди. Бу жараёнларни учишни бошқариш маркази ва орбитал комплекс экипажи — космонавтлар Жонибеков билан Савиних назорат қилиб турдилар. Юк кемаси станциянинг агрегат бўлмаси тарафига туташтирилди.

«Прогресс-24» кемаси орбитага станциянинг бирлашган мотор қурилмаси учун ёқилғи, илмий тадқиқотлар ўтказиш учун асбоб-ускуна, аппаратлар, материаллар, экипажнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш воситалари ва почта олиб борди.

Экипажнинг ахборотларига ва телеметрия ўлчови маълумотларига кўра, «Салют-7» — «Союз-Т-13» — «Прогресс-24» орбитал комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Космонавтлар Жонибеков ва Савиниxнинг кайфияти яхши.

# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА—27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

## БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

**СССР ОЗИҚ-ОВҚАТ программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Бекобод райони меҳнаткашлари жамоат чорвачилигини ривожлантира бориб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Районда гўшт ва тухум етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан белгиланган беш йиллик план ортиғи билан бажарилди. Бўрдоқибоқарлар ҳозирга қадар эл эҳтиёжи учун пландаги 7535 тонна ўрнига 9053 тонна гўшт етказиб бердилар. Паррандабоқарлар эса 18 миллион 613 минг дона тухум тортиқ қилдилар. Бу беш йиллик пландагидан 6 миллион 233 минг дона кўпдир.**

**Қўлга киритилган ютуқларга райондаги «КПСС XXV съезди», А. Мавлонов номли совхозлар, «Победа» ва Навоий номли колхозлар чорвадорлари катта ҳисса қўшдилар.**

**Район хўжаликларида мажбурият ҳисобига чорва маҳсулотлари сотиш давом этмоқда.**

Р. БАГИРОВ.

## УЧ МАРТА ИШЛОВ БЕРИЛДИ

ОҚҚЎРҒОН районидаги Охунбобоев номли колхознинг Шоюсуф Қўчқоров бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари бу йил 120 гектар ерда пахта етиштиришмоқда. Областимизнинг бир группа илғор пахтакорларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган коллектив деҳқонлари ҳар гектар ердан 30 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилдилар.

—Зиммага мажбурият олгандан кейин шунга яраша меҳнат қилиш керак,—дейди Ш. Қўчқоров.—Биз айни кунларда ҳар туп ғўзани эътибордан четда қолдирмай парвариш қилаяпмиз. Ҳозиргача ғўза қатор ораларига уч марта ишлов берилди. Ҳар гектар ерга 300 килограммдан азот, аммофос ўғитлари солиб озиқлантирдик. Сувчиларимиз ниҳолларни ўз вақтида обиҳаётга қондирмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам бригадада июнь-июль ғўза парваришида зарбдор ой деб эълон қилинди. Коллективнинг ҳар бир аъзоси барча агротехник тадбирларни сифатли бажариш учун муносиб ҳисса қўшмоқда. Наби Маматқулов, Мусурмон Отахонов сингари механизаторлар кунлик нормаларини 1,5-2 ҳиссага бажармоқдалар. Холбой Ёрлақулов, Деҳқон Қидирбоев, Эркабой Мирзанов, Ортиғой Аҳмедова, Барно Мўминова Ҳафиза Файзиева сингари сувчилар ва колхозчилар ҳам ғўза парваришида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишаяпти. Шунинг учун бригада хўжаликда ўтказилаётган социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келаяпти.

Қ. САИДИНОХУНОВ.

## ОРТИҒИ БИЛАН

Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳам гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб бормоқдалар. Кун-кеча хўжалик бўрдоқибоқарлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга гўшт сотиш юзасидан олинган йиллик план ортиғи билан бажарилди. Қабул пунктларига 80 тонна ўрнига 85,7 тонна гўшт етказиб берилди.

Бу ютуққа колхознинг Ҳ. Исмоилов, М. Аҳмедов, Р. Қосимов, Б. Иронбоев сингари тажрибали бўрдоқибоқарлари муносиб ҳисса қўшдилар. Улар гўштга топширилган қорамолларнинг юқори семизликда бўлишини таъминладилар.

Хўжалик паррандабоқарлари ҳам баракали меҳнат қилишаяпти. Улар шу кунгача эл дастурхонига 96 минг 800 донадан ортиқ тухум етказиб бериб йиллик планларни бажардилар. Бу планда белгиланганидан 12 минг дона тухум кўп олинди, деган сўздир. Й. Ибодов, М. Мадалиева сингари паррандабоқарлар товуқларни сифатли парвариш қилиб юқори натижаларга эришдилар.

Н. БОБОЖОНОВ.

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ МИНБАРИ

## МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙМИЗ

КОМБИНАТИМИЗДА етмишта комсомол-ёшлар коллективи меҳнат қилмоқда. Улар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ташкил этилган. Ҳар бир бригадага алоҳида ҳисоб-китоб варақаси тутилган. Унда планларнинг бажарилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, меҳнат интизомига риоя қилиниши, бригада аъзоларининг жамоат ишларидаги иштироки каби бандлар бўлиб, улар ҳар куни тўлдириб борилади. Ўзаро социалистик мусобақага якун ясалаётганда шу варақа кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Бизнинг коллективимиз ҳам бу социалистик мусобақада актив иштирок этмоқда. Йил охиригача меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усулларини, илғор тажрибаларни жорий қилиб планга қўшимча кўплаб рух катоди ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини 0,7 процент камайтириш учун қизғин кураш олиб бораяпмиз. Бундан ташқари, йил охиригача кўплаб кумуш, кўрғошин, алюминий, минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолиш, бунинг ҳисобига икки кун ишлаб беришга эришишга интилмоқдамиз.

Коллективимиз бу ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун барча резервларни ишга солаяпти. Шунинг учун ҳам дуруст меҳнат ютуқларига эришмоқдамиз. Шу йилнинг биринчи ярми планини барвақт бажардик. Эндиликда бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида зўр ғайрат-шижоат билан ишламоқдамиз. Мақсадимиз партиямизнинг навбатдаги XXVII съездини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишдир.

С. АНДРОСЕНКО,
**Олмалиқ кон-металлургия комбинати рух заводи комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, область «Қотишма» мукофоти лауреати.**

## ЗАЗУЛИН МАКТАБИ



**● ЎЗБЕКИСТОН ССР Қурилиш министрлигининг «Узбекшахтострой» трестига қарашли 6-қурилиш бошқармасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Дмитрий Андреевич Зазулин бошлиқ ғишт терувчилар бригадасининг уй-жойлар қурилиши муддатларини қисқартириш борасидаги тажрибаси диққатга сазовордир.**

**Бригада социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқда ва ҳозирги вақтда 1990 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-мукофотли системаси кенг қўлланилаётганлиги юксак иш унумига эришиш имконини бермоқда. Барча турдаги ишларнинг 95 проценти шундай системага мувофиқ олиб борилмоқда.**

**Коллектив сурункасига уч беш йилликдан буён тўла хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда, бу ерда ўртоқларча ўзаро ёрдам, ишонч, ўзаро талабчанлик руҳи қарор топган ва доимо шу руҳга амал қилинмоқда.**

**Бригаданинг кўпгина аъзолари коллективда 10—15 йилдан буён ишлаб икки-уч турдош касбни ўзлаштириб олган. Меҳнат унумдорлигини ошириш, техникадан ва иш вақтидан самарали фойдаланиш резервлари доимо изланаётганлиги, шу беш йилликда уй-жой қурилиши муддатларини нормадагига нисбатан 1,5 баравар қисқартириш имконини берди.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида ана шулар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.**

Д. А. Зазулин бригадасининг иш тажрибасига бағишланган мақолаларни газетанинг 3-саҳифасида ўқишингиз мумкин.

## ИМКОНИЯТНИ БОЙ БЕРМАНГ

**1984—1985 йил қишловининг қаттиқ келиши чорвадорларни анча қийнаб қўйди. Айниқса, ем-хашак етиштиришга етарли эътибор бермаган хўжаликлар учун жуда оғир бўлди. Колхоз-совхозларнинг айримлари қишловдан базўр чиқиб олдилар. Йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулоса чиқарган хўжаликларнинг чорвадорлари бу йил эрта баҳорданоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга киришдилар. Айни кунларда бутун диққат-эътибор бедадан мўл ҳосил олишга, сифатли силос бостиришга, қирлардаги табиий ўт-ўланларни тезроқ ўриб-йиғиб олишга қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, Чиноз, Оржоникидзе районларининг озуқакорлари ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Улар ҳозиргача йиллик планнинг 50—60 проценти миқдорида ем-хашак жамғариб қўйдилар.**

**Бўстонлиқлик чорвадорлар ҳам бу йил қишловга тайёргарлик кўришни астойдил олиб боришмоқда. Шу кунгача 16 минг тоннадан ортиқ дағал хашак жамғариб қўйилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 минг тонна кўп ем-хашак тайёрланди, деган сўздир. Айниқса, райондаги Жданов номли, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозлари, «Бўстонлиқ» совхозида ем-хашак тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу хўжаликларда ҳозирнинг ўзидаёқ йиллик планнинг 50—60 проценти миқдорида озуқа жамғариб қўйилди. Шу жумладан, сенаж бостириш топшириғи 100—110 процентга бажарилди.**

**Ҳозирги кунда районда 700 га яқин колхозчи ва совхоз ишчилари қишловга дағал озуқа тайёрлаш билан бевосита шуғулланмоқдалар. Ғазалкент ва Чирчиқ шаҳрининг корхона ҳамда ташкилотларидан келган 3 мингдан ортиқ ҳашарчи ҳам шу ишга сафарбар этилган. 51 та пичан ўрадиган механизм, 16 та хашак тўплайдиган мослама, 41 та автомашина, 33 та трактор тележкалари ва бошқа техника озуқакорлар хизматида.**

**Бироқ, ишчи кучи, машина ва механизмлардан самарали фойдаланмаётган, дағал озуқа тайёрлашда сусткашликка йўл қўяётган хўжаликлар ҳам бор. Масалан, «Чорвоқ» ва «Правда» газетасининг 50 йиллиги» совхозлари ҳамда Калинин номли колхоз ана шундай қолоқ хўжаликлардандир.**

**Юқоридаги икки совхозда шу кунгача йиллик планнинг 15—17 проценти миқдорида дағал хашак тайёрланди, холос. Калинин номли колхозда ҳам бу кўрсаткич бор-йўғи 17 процентга етди.**

**Бу йилги шароитда иложи борича табиий ўт пичани жамғаришни кўпайтириш ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу озуқа базасини мустаҳкамлашнинг энг самарали усулидир. Афсуски, райондаги айрим хўжаликлар бунга эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Жумладан, Фрунзе номли, «Ленинград», «Қизил ту», Калинин номли колхозлар,**

### ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

**«Хўжакент», «Чорвоқ» совхозларида табиий пичан тайёрлаш топшириғи ўлдажўлда қолиб кетмоқда. Бу хўжаликларнинг озуқакорлари мавжуд ишчи кучларидан ва техника воситаларидан ўз ўрнида, самарали фойдаланмаяптилар. Кўпинча хашак ўримига келган ҳашарчилар бошқа ишлар билан машғул бўлмоқда. Масалан, «Қизил ту» колхозида бўлганимизда хўжалик раҳбарларининг ва мутахассисларининг биронтаси ҳам колхозда нечта ҳашарчи меҳнат қилаётганини айтиб беролмади.**

**Текшириш шуни кўрсатдики, колхозда биргина Чирчиқ шаҳридан 70 нафардан ортиқ киши ёрдамга келган. Колхоз бош зоотехниги Амирқул Бойтасовнинг маълумотига қараганда уларнинг 30 нафаргина ем-хашак жамғариш билан шуғулланмоқда. Қолганларининг қаерда, нима иш қилаётгани номаълум. Ваҳоланки, 40 га яқин киши сабзавотчилик бригадаларида карам узиш, жойлаш ва бошқа ишлар билан шуғулланиб юрибди.**

**Шунинг учун ҳам колхозда сенаж бостириш плани бажарилганлигини ҳисобга олмаганда беда пичани тайёрлаш ва табиий ўт пичани жамғариш топшириғи жуда суст бормоқда. Масалан, пландаги 1900 тонна ўрнига эндигина 211 тонна табиий пичан тайёрланган, холос. Беданинг ҳосилдорлиги 14—15 центнердан ошмаяпти.**

**«Ленинград» колхози озуқакорлари бу йил 4680 тонна ем-хашак тайёрлаш учун курашмоқдалар. Колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари Шодмон Ағломовнинг айтишича, колхозда кўпроқ озуқа жамғариш учун барча ишчи кучлари ва техника сафарбар этилган. 7 та пичан ўрувчи, 1 та йиғувчи механизмлар, 1 та ортиш техникаси ва автомашиналар тинимсиз ишлаб турибди. Рақамлар хўжаликда бу борада ҳали кўпгина камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 17 июнгача бўлган маълумотда йиллик топшириқдаги 2200 тонна ўрнига эндигина 192 тонна беда пичани, 1000 тонна ўрнига 70 тонна табиий пичан жамғарилганлиги қайд қилинган.**

**Булардан кўриниб турибдики, «ленинград»ликлар ҳам шу кундаги энг долзарб вазифа — ем-хашак жамғаришни сусткашлик билан амалга оширишмоқда. Мавжуд имкониятлар тўла ишга солинмаяпти. Колхоз правленияси ва партия ташкилоти ем-хашак жамғаришни тўлиқ назорат қилмаяпти.**

**Райондаги қатор хўжаликларда, шунингдек, витаминли ўт уни ишлаб чиқариш жуда ёмон аҳволда. «Чорвоқ», «Хўжакент» совхозларида, «Қизил ту» колхозида ҳозиргача 1 килограмм ҳам ўт уни тайёрланмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?! Ахир, ўт уни қорамоллар учун жуда муҳим озуқа ҳисобланадику! Шунинг учун тезда ички имкониятларни ишга солиб, қимматли озуқани кўпайтириш чораларини кўриш лозим.**

**Қаерда мўл озуқа жамғарилса ўша ерда чорвачилик жадал ривожланади, гўшт-сут кўпаяди. Буни Бўстонлиқ районининг чорвадорлари ҳам жуда яхши биладилар. Шунинг учун бой берилаётган имкониятларни тезда ишга солиш керак. Бедазорларга қаровни ҳар томонлама кучайтириб, мўл ҳосил олишга эришиш керак. Табиий ўт пичани жамғаришга ишчи кучларини тўлароқ сафарбар этиб, бу борадаги топшириқни, албатта, бажариш лозим.**

Ф. МУҲИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

## КУНИГА 500 ТОННА

ПАРКЕНТ райони чорвадорлари қишлов учун ем-хашак жамғаришни қизғин олиб боришаяпти. Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида район озуқакорлари 42 минг тоннадан ортиқ дағал хашак тайёрлашга аҳд қилишган. Айни кунларда район хўжаликларида беда ва бошқа озуқа экинларидан мўл ҳосил олиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Айниқса, табиий пичан тайёрлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Бу борада «Паркент» совхоз-заводи, «Гулбоғ», «Коммунизм» совхозларининг озуқакорлари барчага ибрат бўлишаяпти. Умуман ҳар куни район бўйича 450—500 тоннадан ортиқ дағал хашак жамғарилмоқда.

М. МИРКАМОЛОВ.

## ТЕЖАМКОРЛИК—ШИОРИМИЗ

БИРЛАШМАМИЗ коллективи республикамиз 18 ишлаб чиқариш илғорининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун 27 зарбдор ўн кунлик ўтказиш ташаббусини маъқуллаб кутиб олдилар. Машинасозларимиз 1985 йилда ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, партиямизнинг навбатдаги улкан анжумани шарафига янги меҳнат марраларини белгиладилар. Илгариги ваъдага қўшимча равишда 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилинади, қишлоқ меҳнаткашларига планга қўшимча яна 10 дона кўрак чувиш, 50 дона ПХГ-4 гербицид соладиган агрегатлар тайёрланади.

Бригадамиз аъзолари ҳам корхонамиз коллективининг бу юксак меҳнат марраларини эгаллашига баҳоли қудрат кўмаклашишга аҳд қилдилар. Бу йўлда бугун куч, ғайрат ва тажрибамизни аямай сарфлаймиз. Ишчиларимиз бригада топшириғини кам ишчи кучи билан бажариш ташаббусига қўшилган эди. Айни пайтда бригадамизга 12 нафар ишчи бирлашган. Улар илгари 14 киши бажарган ҳажмдаги топшириқни уддаламоқдалар. Ҳар бир ишчи қўшимча ва турдош касбларни пухта эгаллаб олган. Ишчиларимиздан бирор киши ишга келмай қолса йўқлиги билинмайди. Бошқа бригададошлари унинг вазифасини бемалол бажараверади. Кўп жиҳатдан шунинг учун ҳам ишимиз кўрсаткичлари яхши бўлмоқда. Ҳар куни топшириқни 130—140 процентга етказиб бажармоқдамиз.

Бригадамиз ҳозир 1986 йилнинг май ойи ҳисобига маҳсулот чиқаряпти.

М. ПОПОВА,
**«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири.**

## КОНТРОЛ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Тошкент область партия комитетида область партия комитетлари ҳузуридаги партия комиссиялари раислари ва аъзоларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, район партия комитети ҳуқуқи берилган парткомлар секретарлари, партия комиссияларининг раислари ва аъзолари иштирок этдилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов семинар-кенгашда «Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида партия комиссияларининг партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, контрол қилиш ишини такомиллаштириш, партия турмуши нормалари бузилишига қарши курашни кучайтириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари, шунингдек, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудининг «Партия комиссиялари ишига раҳбарлик ҳамда уларнинг партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашдаги ролини ошириш тўғрисида», область халқ контроли комитетининг раиси Б. С. Камоловнинг «Область халқ контроли органлари социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш учун курашда», область прокурори Э. Жўраевнинг «Область маъмурий органлари партия ва ҳуқуқматнинг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш учун курашда» мавзуидаги докладларини тингладилар.

Партия комиссиялари ўзаро иш тажрибаларини алмашдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси Р. Ҳ. Абдуллаев нутқ сўзлади.

Семинар-кенгашда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди.

## ҚИШГА ҲОЗИРДАН ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

Область партия-хўжалик активининг 22 июнда бўлиб ўтган кенгашида партия, совет, хўжалик ташкилотларининг халқ хўжалигини куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш соҳасидаги вазифалари муҳокама этилди. Кенгашда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари область ижроия комитети бўлим ва бошқармаларининг бошлиқлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари, саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари, касаба союз комитетларининг раислари иштирок этдилар.

Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Ф. Клепиков доклад қилди. Докладчи ва музокараларда сўзга чиққанлар ўтган 5 ойлик якунлари кўпгина корхоналарда планлар муваффақиятли бажарилаётганлигидан далолат берганлигини таъкидлашди. Ҳозир энг муҳими бу суръатни янада жадаллаштириш, қисқа муддат ичида область бўйича йиллик план ва социалистик мажбуриятларда кўзда тутилган марраларга чиқиб олиш, ҳали ҳам қолоқликка йўл қўяётган корхоналарда ишни тубдан яхшилашдан иборатдир.

Кейинги йилларнинг тажрибаси бунда корхона ва ташкилотларни куз-қиш даврида ишлашга барвақт ва ҳар тарафлама тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатяпти. Қатор хўжалик раҳбарлари ва партия ташкилотлари ҳар йили қишга яхши тайёргарлик кўриб, ўз коллективларининг бир меъёрда ишлашларига эришмоқдалар. Жумладан, Янгийўл, Наримонов шаҳарларининг корхоналари, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Чирчиқ трансформатор заводи ва бошқа корхоналар коллективлари куз ва қишда яхши ишладилар.

Бироқ, кўпгина корхона ва ташкилотлар қишга ёмон тайёргарлик кўришлари натижасида бу даврда маҳсулот ишлаб чиқаришни сезиларли даражада камайтириб юбордилар. Масалан, ўтган йилнинг декабрида саноат корхоналарида бир кеча-кундузда маҳсулот ишлаб чиқариш ўртача ҳажми октябрь ойидагига нисбатан 380 минг сўмликка, 1985 йил январида эса 660 минг сўмликка камайиб кетди.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, касаба союз комитетлари ва халқ контроли органлари корхона ва ташкилотларда қишга тайёргарликнинг боришини ҳамма вақт ҳам ўз вақтида текширишни йўлга қўймайдилар. Бу унча кўп капитал маблағ талаб қилмайдиган кўпгина тадбирлар бажарилмай қолишига олиб келади. Қишга тайёргарлик кўришда турар-жой, коммунал хўжаликларида ҳам жиддий камчиликлар мавжуддир.

Кенгашда область партия комитетининг секретари В. Г. Гордиенко нутқ сўзлади.

Кенгашда корхона ва ташкилотларни куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш юзасидан тавсиялар қабул қилинди.

